

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 50 (959) • 2013-yil, 13-dekabr, juma

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12 декабрь куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чжан Сяони дипломатик ваколат муддати тугагани муносабати билан қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари элчининг фаолиятини, бугун юксак даражада ривожланаётган Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қўшган ҳиссасини юқори баҳолади.

2012-2013 йилларда ўтказилган олий даражадаги учрашувлар ва музокаралар чоғида икки давлат раҳбарлари томонидан Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация имзоланди. Пекин ва Тошкентга амалга оширилган ташрифлар доирасида умумий қиймати 20 миллиард АҚШ долларидан ортиқ қарийб 80 савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий битимлар имзоланди.

Кейинги йилларда ўзаро савдо ҳажми юксак даражада ўсиб бормоқда. Жорий йил якунларига қўра, икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 4,5 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

Бугунги кунда хитойлик ишбилармонлар "Жиззах" махсус индустриал зонаси ва унга боғлиқ инфраструктураларда, Юқори технологиялар саноат паркида ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар, айниқса, олий таълим, фан ва технологиялар, соғлиқни сақлаш, санъат, туризм ва бошқа кўплаб соҳалардаги ҳамкорликка юксак баҳо берилди.

Чжан Сяо самимий қабул ва ўз миссиясини бажариши давомида яратилган шартшароитлар учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирди. Элчи мамлакатимизда ўтказган йиллари унинг ҳаётида энг ёрқин, унутилмас саҳифалар бўлиб қолишини, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганини, бу Ўзбекистон халқининг келажакка қатъий ишонч билан қарашига асос бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

ЎЗА



Соғлом бола —

СОҒЛОМ МИЛЛАТ АСОСИДИР

Муносабат

Ҳар қандай катта-кичик элат, миллат, халқ ўзининг эртанги кунини, келажакни ўйлаб яшайди. Зеро, бусиз тамаддунинг, тараққиётнинг ўзи мумкин эмас. Келажакнинг тамал тоши эса бугун қўйилади. Эртанги кун бугуннинг саъй-ҳаракатларида, фаолиятда, қайси масалага ва соҳага алоҳида эътибор қаратилаётганида намоён бўлади.

Ёш авлodsиз келажак йўқ. Ушбу оддий ҳақиқатни англаётган давлатлар ҳамиша ва ҳар қачон ўсиб келаётган авлодга, болаларга ўзгача ғам-ҳўрлик кўрсатади, уларнинг камол топиши, комил инсонлар бўлиб етишиши учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни амалга оширади.

Тўла ишонч ва фахр билан айта оламизки, бизнинг юртимиз мана шундай эртанги кунини ўйлаб яшаётган мамла-

катларнинг энг олдинги сафиди. Буни истиклол йилларидаги ҳаётимиз тўла-тўқис исботлаб турибди. Бу ҳақиқатни халқаро ҳамжамият, дунёнинг энг ривожланган давлатлари ҳам тўла эътироф этмоқда.

Мухтарам Юртбошимиз томонидан келаятган 2014 йилнинг "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши ҳам давлат миқёсида ўсиб келаётган ёш авлодга нисабатан доимий эътиборнинг яна бир ёрқин

кўриниши бўлди. Халқчил, содда ва раvon тарзда баён этилган, катта-кичик учун бирдек тушунарли бўлган бу маъруза барчамизни тўлқинлантирди.

Бу дунёда ўзбек халқидек болажон халқ бўлмаса керак. Азалдан кишилар бир-бирлари билан кўришиб, ўзаро ҳолаҳвол сўраганларида энг аввало бойлик, иморат ёки буюмдан гап очишмаган, "Болалар яхшими?" деб сўрашган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2013 йил 12 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазиrлар Маҳкамасининг тахлиф этилган аъзолари, вазиrлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисининг биринчи кунда

сенаторлар тўққизта масалани кўриб чиқдилар. Уларнинг бештаси ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролар, шу жумладан болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш, шунингдек, катта ижтимоий аҳамиятга эга бошқа масалаларни ҳал этишга қаратилган қонунлардир.

3 ➤

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):
 - а) аёллар;
 - б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
 - в) 60 ёшдан ошган эркаклар;
 - г) чет давлат фуқаролари.
2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3 ➤

Болага эътибор — аёлга эътибор

Биз, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси аъзолари Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини катта ҳаяжон билан тингладик.

Маърузада ўтган йиллар мобайнида эришилган натижалар ҳолисона тахлил этилди ҳамда яқин келажакка мўлжалланган аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Эътироф этиш керак, охириги йилларда парламент фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қили-

наётган қонунлар, меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қабул қилишда депутатлар ва фракцияларнинг роли кучайтирилди. Айниқса, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшим-

чалар киритиш ҳақида" Ўзбекистон Республикасининг қонунини қабул қилиниши билан ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш чоғида фракциялар, яъни депутатлик гуруҳларининг фикр ва тақлифларини ҳисобга олиш шартлиги белгилаб қўйилди.

2 ➤

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи мустақиллик йилларида ўсиш, улғайиш йўлларини жадал босиб ўтиб, тараққиёт йўлидан дадил бормоқда.

Маълумки, нефть, газ ҳамда газ конденсати захиралари ўз ички эҳтиёжларимизни таъминлабгина қолмай, уларни четга ҳам чиқариш имкони бўлиб, улар сармоя сарфланишининг энг фойдали соҳаларидир.

8 ➤

Қоровулбозор мўъжизаси



«ОБУНА — 2014»

Қадрли юртдошлар! Азиз мушаррайлар! "Adolat" газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир. 2014 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна бўлинг!

"Adolat" нинг нашр индекси — 100

"Adolat" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

Муносабат

Соғлом бола — соғлом миллат асосидир

Давоми. Боши 1-бетда



Тошпўлат МАТИБАЕВ, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати, «Сихаттоҳ» санаторийси бош шифокори

Ахир боланинг тинч-омонлиги, соғломлиги энг аввало, ота-онанинг хотиржамлиги, бугунги кунига, эртанги кунига нисбатан собит ишончидир. Бундай ота-онанинг кўнгли тинч, ишида унум ва барака бўлади.

Соғлом бола дегани энг аввало жамиятнинг барча қатламларида, ҳаётнинг барча соҳаларида ҳукм сурайдиган хотиржамлик, эзгу фазилатлар устуворлиги дегани.

Энг асосийси эса, соғлом бола — бу ижтимоий ҳимоянинг энг юксак кўринишида ифода этилиши ҳам демекдир.

Эътибор беринг, кенг қамровли ислохотлар самараси ўларок, ўтган 22 йил ичида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, иктисослаштирилган марказлар ташкил этиш, шунингдек тиббий хизматни такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш, фармацевтика соҳасини ривожланти-

риш каби йўналишларда мақтовга эригулик ютуқларга эришилди.

Ҳар жиҳатдан баркамол янги авлодни вояга етказиш, халқ соғлигини мустаҳкамлаш бош мақсад қилиб белгиланди.

Истиқлолимизнинг илк даврларидаёқ бу борада дастлабки амалий қадамлар ташланди. Президентимизнинг 1993 йил 23 апрелдаги Фармони билан мамлакатимизда «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайрия жамғармаси вужудга келганлигини эслайлик. Айнан шу йили мустақил Ўзбекистоннинг дастлабки «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Ушбу орден билан ҳар йили халқимизни соғломлаштириш йўлида жонбозлик кўрсатиб келаётган фидойи инсонлар мукофотланадилар. Очиги, соғлом авлод тарбияси, миллат саломатлиги йўлида ташланган бу каби қадамлар ўз вақтида нафақат

она замони, суву ҳавоси, балки насли ҳам офатлар исқанжасида қолган эл учун катта воқеа бўлди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 1998 йил ноябрь ойидаги Фармони асосида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг қабул қилиниши соҳада ўтказилаётган ислохотларда туб бурилиш ясади. Стратегик аҳамиятли бу ҳужжатда тиббий хизматнинг миллий моделини босқичма-босқич шакллантириб бориш вазифаси қўйилган ҳамда унинг устувор йўналишлари изчил ва аниқ баён этилган. Мазкур Давлат дастури ижросини таъминлаш орқали соғлиқни сақлаш соҳасида илғор шакл ва услублар амалиётга жорий қилинди. Жойларда беш поғонадан иборат самарасиз, кўп харажат талаб қиладиган эски тизим ўрнига бирламчи бўғиннинг янги, ихчам ва замонавий тизими —

қишлоқ врачлик пунктлари, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари вужудга келди.

Мана шундай ислохотлар натижасида йигирма икки йил давомида юртимизда бир ёшгача бўлган гўдаклар ва оналар ўлими 3 баробардан кўпроқ камайди, одамларимизнинг ўртача умр кўриш давражаси 7 йилга узайиб, бу кўрсаткич эркаклар ўртасида 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етди.

Биз эзгу мақсадларни кўзлаган сиёсий куч сифатида 2014 йилнинг «Соғлом бола» сифатида номланишини қувонч ва масъулият билан кутиб олдик. Зеро, маърузада билдирилган фикр-мулоҳазалар, унда белгиланган устувор вазифалар моҳиятини кенг жамоатчилик орасида тарғиб этишда партияимизнинг ҳар бир бўғинидаги аъзолари жонбозлик кўрсатишларига ишонаман.

Партия ўз саъй-ҳаракатларини бепул тиббий хизмат кўрсатишни кафолатлайдиган қонуларни ҳаётга татбиқ этиш, давлат соғлиқни сақлаш секторини мустаҳкамлаш, фармакология хизматлари тармоғини шакллантириш устидан назорат қилиш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини мустаҳкамлаш, болалар парвариши бўйича давлат томонидан ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга йўналтиради.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сайловоди дастуридан

Болага эътибор — аёлга эътибор

Давоми. Боши 1-бетда



Ойша АХУНОВА, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Президентимиз томонидан сиёсий партиялар ва уларнинг парламентдаги фракциялари фаолиятига билдирилган фикрлар бежиз эмас. Сиёсий партиялар ва парламентга берилган бундай эътибор замирида кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш, қонулар мукамаллигига эришиш, энг муҳими, эртамиз фаровонлиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсади ётгани шубҳасиз. Шундай экан, фаолиятимизни замон талабларига мослаштириш ва такомиллаштириб боришимиз лозим.

Кириб келаётган 2014 мамлакатимизда йил ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги ишларимизни изчил давом эттириш ва янада юксак босқичга кўтариш мақсадида «Соғлом бола йили» деб эълон қилинди. Бу ҳам партия, ҳам фракция аъзоси, ҳам оддий бир она сифатида мени беҳад қувонтирди. Дунёда боласини бахти, соғлиги, яхши ҳаёт кечирishi учун қай-гурмайдиган онанинг ўзи бўлмаса керак. Менимча, келгуси йилга ном беришда яна уша оилага, айниқса, аёлларга эҳтиром кўрсатилган деб ўйлайман. Шу азиз юрда, Озод ва Обод Ватанда туғилганимга шукроналар келтирдим. Биз аёлларга бундан-да катта бахт бўлмаса керак.

Бу ҳам парламент ваколатлари кенгайтганидан далолат беради. Қонун чиқарувчи ҳокимият тизимидаги бундай ўзгаришлар ва янгиликлар қабул қилинаётган қонуларни такомиллаштиришга, этишувлар самарадорлигини оширишга, депутатлик назоратини кучайтиришга, давлат ва ҳудудий дастурлар ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

Юксак эътироф масъулияти

Давлатимиз раҳбарининг Асосий Қонунимиз қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги маърузасини катта қизиқиш ва мамнуният билан тингладим.



Унда Юртбошимиз поёнига етаётган йилда халқимиз эришган катта ютуқлар билан бир қаторда, янги йилда халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, турмушини бундан-да обод ва фаровон қилиш борасида жуда муҳим фикрларни ўртага ташладилар. Айниқса, Президентимизнинг кириб келаётган йилни «Соғлом бола йили» деб номлаш ҳақидаги таклифини Республика шунингдек, мижозлар учун қуйидаги қулайликлар яратилган:


Унда Юртбошимиз поёнига етаётган йилда халқимиз эришган катта ютуқлар билан бир қаторда, янги йилда халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, турмушини бундан-да обод ва фаровон қилиш борасида жуда муҳим фикрларни ўртага ташладилар. Айниқса, Президентимизнинг кириб келаётган йилни «Соғлом бола йили» деб номлаш ҳақидаги таклифини Республика шунингдек, мижозлар учун қуйидаги қулайликлар яратилган:

Биргина жорий йилда вилоятдаги тиббий муассасаларда олиб борилган курилиш ишлари учун ажратилган маблағларни олайлик. Хусусан, вилоятда 90 ўринли юқумли касалликлар шифохонасининг янги биноси ишга тушди. Мазкур шифохона курилиши учун бюджет маблағларидан 4,6 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, вилоят онкология диспансери радиология бўлими биноси курилишида 982,5 млн., Дўстлик туман ДСЭНМ биноси курилишида 776,2 млн., вилоят силга қарши кураш диспансерида 1 455,9 млн., вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида 1,5 млрд., Жиззах туман тиббиёт бирлашмаси поликлиникасида 749,7 млн., Зомин туман тиббиёт бирлашмасида 2,5 млрд. сўмлик, Жиззах туман ДСЭНМ биносида 789,7 млн., Фориш туман тиббиёт бирлашмасида 1,2 млрд., Ғаллаорол туман силга қарши кураш диспансерида 744,7 млн., Янгиобод туман тиббиёт бирлашмасида 839,0 млн., вилоятдаги тиббиёт масканларида курилиш-реконструкция ишлари, керакли моддий-техник база яратилиши учун жами 15,9 млрд. сўм маблағ ажратилгани юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасини янада юксак поғоналарга кўтариш, аҳоли

ҳамда шифокорлар учун қулай шарт-шароит яратиш, уларнинг тиббий маданиятини оширишга хизмат қилаётган десам, муболаға бўлмайди.

2014 йил — «Соғлом бола йили»да бу каби хайрли ишлар давом эттирилиши табиий. Шу ўринда Юртбошимиз ўз маърузасида «Соғлом бола аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажак наслар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззаат, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз-Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади», дея таъкидлаб ўтди. Бу фикрларни ҳар бир оила бошлигининг онги ва шурига сингдириш лозим бўлади.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 22 йиллиги шодиёналари арафасида ушбу соҳадаги камтарона хизматим юксак эътироф этилиб, Президентимиз томонидан «II даражали Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирландим. Ушбу ордени Конституцияимизнинг 21 йиллиги тантаналари арафасида гурур ва ифтихор ила кўксимга тақар эканман, бундай бекиёс эътибор ва ғамхўр-



Ориф ЗИЯЕВ, РШТБМ Жиззах филиали «Болалар анестезиология ва реанимация» бўлими мудри, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиб, Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси

лик мен ва мен сингари тиббиёт ходимларини халқимизнинг саломатлигини яхшилаш йўлида янада кучли масъулият билан ишлашга ундашини ич-ичимдан хис қилдим.

Юртбошимиз томонидан билдирилган ишончга бундан кейин ҳам меҳнатда муваффақиятларим билан муносиб жавоб бераман.

«ЎЗПАХТАСАНОАТ»

уюшмаси жамоаси

Халқимизни МАМАЛАКАТИМИЗ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ БИЛАН муборакбод этади!

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

“Асака” банк (ОАЖ)

UZCARD EMV (он-лайн) тизимида фойдаланишга мўлжалланган пластик карточкаларни таклиф этади.

Ушбу пластик карточкалар ёрдамида «SMS-TO'LOV» ва «UZCARD-CLICK» дастурий тизимлари орқали:

- барча коммунал хизматлар, уяли алоқа операторлари, кабель телевидениеси, интернет ва бошқа хизматлар ҳамда товарлар учун тўловларни амалга ошириш;
- банк томонидан Сиз учун очилган ҳисоб рақамни бошқариш;
- жисмоний шахслар ўртасида пул ўтказмаларини уяли алоқа телефони ёки интернет тармоғи орқали банк иштирокисиз амалга ошириш мумкин.

Шунингдек, мижозлар учун қуйидаги қулайликлар яратилган:

- тўловларни телефондаги USSD-сўровномаси орқали хоҳлаган телефондан (телефон маркасида қатъий назар) амалга ошириш мумкин;
- мижоз томонидан телефонга ҳеч қандай қўшимча дастурий таъминот ўрнатиш талаб қилинмайди;
- ҳисоб рақам телефонга эмас, балки мижознинг SIM-картасига боғланган, шунинг учун телефон ишламай қолган тақдирда SIM-картани бошқа телефонга ўрнатиб, тўловни амалга ошириш мумкин;
- мижознинг телефонида маблағ старли бўлмаган ҳолатларда ҳам мижоз USSD-сўров орқали тўловларни амалга ошириши мумкин;
- мижоз банкка ташриф буюрмасдан балансни кўриши, пул маблағлари билан тўдириши, тўловларни амалга ошириши ҳамда назорат қилиши мумкин;
- UZCARD EMV (он-лайн) пластик карточкалари орқали тўловларни амалга ошириш бепул ва ҳеч қандай ҳақ олинмайди.

Маълумот учун телефонлар: (8371) 120-82-76, 120-81-90, 120-81-91.

Истиқлолимиз шарофати билан суллаб-яшнаётган она Ватанимиз равнақи бўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Ўзаро меҳр-оқибат, келажакка бўлган ишонч ва яратувчанлик шижоати сиз азизларни асло тарк эммасин!

Юртимиз тинч, турмушимиз фаровон, жонадонимиз файзли бўлсин!

«Асака» банк — молия хизматлари бозорида Сизнинг ишончли ҳамкорингиздир!

Хизматлар лицензияланган

Сиёсат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Давомий. Бошқа 1-бетда

3. I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўқсизлик қиладиган оғир касалликларга чалинган деб топилган шахслар (жавобгарлигини оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ Тошкент шаҳри, 2013 йил 12 декабрь.

Энг намунали партияс ташкилоти

Танлов

Сиёсий партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш учун кенг жамоатчилик орасида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба орттириши, сиёсий етукликка интилиши ва энг муҳими, молиявий мустақилликка эришиши, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиши зарур.

Бу мақсадларга эришиш биринчи навбатда, унинг таяничи саналмиш ҳудудий ва бошланғич партия ташкилотларига боғлиқ. Шу боис Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз фаолиятида сиёсий жараёнларда фаол, ташаббускор, бошқаларга ибрат бўладиган энг намунали партия ташкилотларини аниқлаш ва уларнинг таърифи оммалаштириш ишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Навоий вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган кўрик-танлов ҳам шу мақсадни кўзлаган. Дастлаб шахар ва туман партия ташкилотлари орасида ўтказилган танлов ҳудудий ташкилотлар фаоллари орасида рақобатдошлик руҳини уйғотди, уларни излашга ундади. Олтига йўналиш бўйича ўтказилган танлов орқали ви-

лоят босқичига йўл олган туман ва шахарлар босқичи голиблари ўз истеъодларини ва билимларини намойён этишга муваффақ бўлдилар. Танлов натижаларига кўра, партиянинг Навоий шаҳар кенгаши «Энг намунали партия ташкилоти» номинациясида голибликни кўлга киритди. Хатирчи тумани тиббиёт коллежи «Бошланғич партия ташкилоти» йўналиши, «Адолат» СДП вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» йўналиши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Гулчехра Сатторова «Депутатлик гуруҳи» йўналишида зафар кўчдилар.

Садоқат ШАМСИЕВА, Ўзбекистон «Адолат» СДП Навоий вилояти кенгаши матбуот котиби

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Давомий. Бошқа 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалалар муҳокамаи чоғида сенаторлар қабул қилинган қонунлар давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида баён этилган, жумладан, 2014 йилнинг Соғлом бола йили деб эълон қилиниши муносабати билан белгилаб берилган вазибаларни амалга оширишга хизмат қилиниши алоҳида таъкидлашди.

Ладиладар. Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети макроеқтисодий барқарорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилган. Муҳокама якунлари бўйича сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджетини тасдиқлашди ва тегишли қарор қабул қилдилар.

Сенаторлар 2014 йилга мўлжалланган солиқ сиёсати концепциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларини ижро этиш юзасидан, шунингдек, бир қатор қонун ҳужжатларининг нормаларини бир йил қўлланиш учун уларни аниқлаштириш мақсадида тайёрланган «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ қўшиқма қўрағи ва қўшимчалари киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Сенаторлар қайд этганларидек, Қонун ҳужжали юритувчи субъектлар ва бундан иқтисодиёт зиммасига тушадиган солиқ юқини янада камайтириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини кўпайтириш ва уни мустақамлаш, солиқ солиш объектларини камайтириш кўрсатиш ва яшириш фактларининг олдини олишга қаратилган солиқ маъмуриятчилиги чораларини кучайтириш солиқ сиёсати соҳасидаги асосий устувор йўналишлар бўлиб қолмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ҳужжали юритувчи субъектлар ва аҳоли учун солиқ юқини янада камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини кўпайтириш ва уни мустақамлаш, солиқ солиш объектларини камайтириш кўрсатиш ва яшириш фактларининг олдини олишга қаратилган солиқ маъмуриятчилиги чораларини кучайтириш солиқ сиёсати соҳасидаги асосий устувор йўналишлар бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Партия ҳаёти



Фаол қатламимиз ҳамиша эътиборда

«Адолат»нинг адолатли аёллари

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аёлларни жамиятимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар жараёнига кенг жалб қилишни муҳим вазифа деб ҳисоблайди.

Партиянинг Фузор туман кенгаши «Аёллар» қаноти ташаббуси билан туман тиббиёт бирлашмасида ташкил этилган давра суҳбатида ҳам аёлларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоялаш, жамиятдаги мавқеини, фаоллигини кучайтириш масалаларига эътибор қаратилди. Унда партия аъзолари, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар ташкилотлари вакиллари, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари ва ёшлар иш-тирокичилари иштирок этди.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш орқали оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш мақсадида туман партия кенгашининг «Аёллар» қаноти фаоллари саъй-ҳаракати билан биргина шу йилнинг ўтган даврида 60 нафардан зиёд аёллар ижтимоий фойдаланиш меҳнатга жалб этилди, — деди «Аёллар» қаноти раиси Хосият Шукурова. — Айни пайтда туманда партиянинг 550 нафарга яқин аъзолари мавжуд бўлса, уларнинг 300 нафарини хотин-қизлар ташкил этиди. Партия ташкилотларимиз томонидан барча жабҳада эрта-ю кеч самарали меҳнат қилаётган хотин-қиз-

ларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Маълумки, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида мамлакатимиз раҳбари томонидан хотин-қизлар фаоллигини ошириш борасида айтилган ҳар бир сўз, қимматли маслаҳатлар бугун воҳадаги барча аёлларни ҳамма жабҳада янада фаол, шижоатли ва ғайратли бўлишга ундамоқда. Албатта, Юртбошимизнинг аёлларга бўлган эътибори бу, ўз-ўзидан ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёнида хотин-қизлар иштирокининг кенгайишига хизмат қилади. Буни воҳадаги партиядошларимиз тўғри аниқлаб, ўз сафларига хотин-қизларни кўпроқ жалб этишга, уларнинг сиёсий билимларини оширишга қаратилган учрашувлар, семинар ва давра суҳбатлари ташкил этишга зўр бермоқда.

Давра суҳбатида партиянинг Фузор туман кенгаши раиси Абдурашид Муҳиддинов, тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Норматхат Калонов, ту-

рук бўлими катта ҳамшираси Муқаддас Эшқурбонова, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш жамоат корхонаси мутахассиси Нортожи Сарикова, туман касаб аюшмаси раиси Маъруф Мирзаев, туғруқхона бўлими мудири Муҳаббат Узоқова ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, Юртбошимиз томонидан 2014 йил — «Соғлом бола йили» деб эълон қилинганлиги ҳам энг аввало тиббиёт ходимлари зиммасидаги масъулиятни янада оширганлигини қайд этиб, тизимдаги ислохотлар, аҳолининг репродуктив саломадлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш борасида туманда амалга оширилаётган ишлар хусусида гапирдилар. Жамиятда шахс сифатида фаол ҳаракатда, изланишда бўлиш хотин-қизларнинг фуқаролик бурчи эканлиги алоҳида қайд этилди. Аёл фақат оила, фарзанд ташвиши билан эмас, балки жамият ва унинг манфаатлари йўлида хизмат қилиб яшаш ҳам кераклиги тилга олинди.

Анжуманда сиёсий кучнинг мақсад ва вазифаларидан воқиф бўлган бир гуруҳ хотин-қизлар партия сафига аъзо бўлиш учун туман кенгашига ариза билан мурожаат қилишди. Уларнинг истагига кўра, шу кунги тиббиёт бирлашмасида партиянинг бошланғич бўғинини ташкил этишга келишиб олинди.

Комил САХАТОВ

Сиёсий фаолият

электорат манфаатига мос бўлсин

Пленум

Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Партиянинг шаҳар ва туманлар кенгашлари раислари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлари ва электорат вакиллари иштирок этган мазкур анжуманда партия Сиёсий Кенгаши X пленуми қарорларидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар ижроси қизғин муҳокама этилди.

Гап партиянинг сайловолди дастуридаги асосий йўналишлар ижросини таъминлашда Самарқанд вилоят партия ташкилоти фаолиятини кучайтириш, депутатлик гуруҳлари ва БПТлар билан ягона мақсад йўлидаги амалий ҳаракатларни мустаҳкамлаш ҳақида борар экан, пленумда сиёсий ишлар самарадорлигини таъминлайдиган янги шакл ва услубларни излаб топиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бу бежиз эмас. Чунки партиянинг ҳаракат дастури, тақдир этилаётган ёндашувлар жамиятдаги муаммоларга нечоғлик тўғри ечим топишга қодир эканлиги билан зарур сиёсий аҳамият касб эта олади. Бу талаб, эътироф Юртбошимизнинг мамлакат Конституциясининг 21 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида яна бир қарра ўз ифодасини топди.

Сиёсий фаолиятга қўйилаётган айна шу талаблардан келиб чиқадиган бўлса, «Адолат» СДП Самарқанд вилоят кенгаши ва унинг қўйи ташкилотлари электорат ишончини оқлаш, ижтимоий муаммоларга ҳозиржавоблик билан қараш, партия ҳаракат дастуридаги устувор вазифалар ижросини таъминлашда зарур ишчанлик хислатларини намоян эътибор билан, деб айтиш мумкин.

Пленумда сўзга чиққан «Адолат» СДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси Махмуд Бобоёров зиммага олинган вазифалар масъулиятдан келиб чиққан ҳолда фаолиятга танқидий ёндашиш, сиёсий ишчанлик ва интизом, партиявий ишларни такомиллаштиришнинг янги шакл, услубларини излаб топиш ҳамда бу интизомнинг мамлакатимиздаги ижтимоий муносабатларни модернизациялаш ва демократлаштириш суръатларига мослаштиришга зарур эътибор қаратилаётганлигини таъкидлади. Айниқса меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда партиянинг бошланғич ташкилотларини тузиш, улар фаолиятини


амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш орқали омма билан алоқадорлиқни кучайтириш, ижтимоий муаммоларни жойида

дида 285 та бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот-саноат йиғилишларини ўтказди. Шу билан бир қаторда туман партия кенгашлари ва уларнинг ижроия кўмиталари таркиби қайта сараланиб фаол, ташаббускор партия аъзолари ҳисобига мустаҳкамланди.

Жорий йилнинг ўтган 11 ойи давомида вилоят партия кенгаши томонидан 135 мартада 13 мингдан ортиқ электорат вакиллари иштирок этганликлари партиявий фаолиятнинг қамров доираси ва муҳокама этилаётган масалалар

ўринбосари А.Нуркуловнинг ҳисоботи эшитилгани ва шу асосда сессия қарори қабул қилинган фикримизнинг далилидир.

Умуман партиянинг маҳаллий кенгашлардаги депутатлари томонидан бошқарув идоралари раҳбарлари номида киритилган 135 та депутатлик сўровининг ақсарияти у ёки бу муаммони ҳал этишга кўмаклашди, дейиш мумкин. Бироқ маҳаллий кенгашлар депутатларининг муҳокамага олиб чиқилаётган масалалар моҳиятини баён этишлари учун улар билан мунтазам сиёсий машғулотлар ўтказиш зарур.



ўрганиш ва ҳал этишга муваффақ бўлиналганлиги мамнуният билан эътироф этилди. БПТлар орқали, партия кенгашларига, депутатлик гуруҳларига этиб келаётган фуқаролар мурожаатлари ўз ижросини топмоқда ёки тегишли муқаддирларда бошқарув идоралари томонидан ҳал этилиши назоратга олинмоқда. Оилавий тадбиркорликни, касаначиликни тижорат банклари томонидан кредит маблағлари билан таъминлаш, касб-ҳунар қўлчилари ва аҳоли истиқомат жойлари ўртасида жамоат транспорти қатновини мунтазам йўлга қўйиш бўйича фуқаролардан тушган мурожаатлар асосида Ургут, Самарқанд туманларида ҳал этилган муаммолар шундан далolat беради.

Вилоят партия кенгаши БПТларнинг сиёсий ишчанлик фаолиятини ўрганиш, улар учун зарур тавсия ва йўналишлар ишлаб чиқиш мақса-

қўлами кенгайиб бораётганлигини назорат қилиш.

Партиянинг вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Шухрат Жамолонинг фикр-мулоҳазалари ҳам партиядошларнинг қизғин мунозараларига сабаб бўлди. Депутатлик гуруҳи ўз ваколатларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-иқтисодий масалаларни вакиллик органига олиб чиқишда, ижронин назорат қилишда керакли қатъият кўрсатмоқда. Бошқарувда очиқликни таъминлаш мақсадида ижро ҳокимияти ва тегишли давлат идоралари раҳбарларининг ҳисоботини эшитиш тобора мунтазамлик касб этиб бораётгани ҳам ижобий ҳолат. Хусусан, вилоятда қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш, соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, боғдорчилик ва узумчилик бўйича ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида вилоят ҳокими

Пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан бўлиб ўтган музоқараларда партиянинг Ургут, Пастдарғом, Тойлоқ ва Самарқанд туманлари кенгашлари раислари Р.Эсонов, Х.Ҳайитова, Н.Ақромова, З.Қуддусова ва бошқалар сўзга чиқди. Анжуманда БПТлар фаолиятини кучайтириш, сиёсий ишлар самарадорлигини таъминлашда энг яхши натижага эришган туман партия кенгашларига қимматбахо совғалар топширилди. «Адолат» СДП сафига қўшилишни истаган 20 нафар ёшларга партиянинг аъзолик билетлари тақдим этилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят кенгаши пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Ўз мухбиримиз

Хазинага валюта, корхонага янги иш ўрни

ёки «Амин инвест интернейшнл» фабрикасининг экспорт имконияти кенгайиб бораётгани хусусида

Маҳсулот ўзимизники — Ўзбекистонники!

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, қишлоқда фаолият юритаётган бу саноат корхонасини, аниқроғи, унинг ёрлиғи билан чиқарилаётган маҳсулотларни нафақат Ўзбекистонда, балки Европа бозорида ҳам юксак қадрлашди. Фабрика цехларига келтирилаётган пахта толасидан шу ернинг ўзида ип йиғириб, трикотаж матоси тўкиб, қирқ хилдан ортиқ тайёр кийим-кечак ишлаб чиқараётган «Амин инвест интернейшнл» қўшма корхонаси Самарқанд вилоятининг экспорт салоҳиятини белгилашда ўзига хос ўринга эга бўлиб бормоқда.



Ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш тизими жорий этилган корхона жамоаси 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида Россия, Украина, Польша, Германия сингари буюртмачи мамлакатларга салкам 3 миллион АҚШ доллари миқдорига маҳсулот экспорт қилишга улгурди. Ички бозорга чиқарилаётган трикотаж ҳам арзон ва бежиримлиги боис харидорлар ўртасида қўлма-

қўл бўлиб кетмоқда. Натижада маҳсулотни сотиш бўйича янги фойдали шартномалар юзасига келяпти. Жамоанинг моддий манфаатдорлиги ҳам тобора ортиб бораёпти.


Қўшма корхона раҳбари Эмма Кастамированынг таъкидлашича, пахтанинг хомашё сифатида эмас, тайёр маҳсулот сифатида четга сотилиши фабрикага, мамлакат хазинасига катта даромад келтири-

моқда. Ёки ҳар килограмм толаннинг ҳақон бозоридаги нархидан 15-20 баробар кўп фойда олинмоқда.

Бир корхона миқёсида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни таҳлил этиш асосида хулоса чиқариш мумкинки, рақобатда устунликка, энг аввало, фабрикани модернизациялаш, мутахассисларнинг касбий маҳоратини ошириш ва ташқи бозор талабини

тўқилади. Конвейер шаклида жойлашган цехларнинг энг кейингисидан ранго-ранг трикотаж кийим-кечак ҳолида чиқиб, омондорда туриб қолмай тўғри харидорлар манзилига жўнатилади. Шу тариқа йилига 6 минг тонна тола фабриканинг ўзида тўлиқ қайта ишланмоқда.

Гап ишлаб чиқаришда юксак сифат ва самарадорликни таъминлаётган ходимларнинг касбий маҳорати ҳақида борар экан, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тумандаги касб-ҳунар коллежлари билан мустаҳкам амалий ҳамкорлик қўшма корхона учун малакали мутахассис кадрларни танлаш ва тарбиялашга катта ёрдам бермоқда. Фабриканинг ўзида Жомбой энгил саноат касб-ҳунар коллежининг ўқув-амалиёт хонаси очилган бўлиб, у барча зарур шароитлар билан таъминланган. Бу ерда коллеж битирувчилари корхонадаги модернизациялаш жараёнидаги сўнги янгиликлардан, ускуналари бошқаришдан сабоқ олишди, ички ва ташқи бозор талабларидан хабар то-



пишади. Жорий йилда изланувчан коллеж битирувчиларидан 80 нафари ишга қабул қилинди.

Фабрика жамоаси ўз маҳсулотини янада харидоргир қилиш мақсадида янги-янги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Яқин орада бу ерда болалар трикотаж ва спорт кийим-кечакларини ишлаб чиқариш бошланади. Шу мақсадда банкнинг 3 миллиард 400 миллион сўмлик кредити ҳисобига

Швейцариянинг яна бир мукамал технологияси харид қилинди. Алоҳида қўлайликка эга янги цех барпо этилмоқда, яна 200 нафар кишини ишга олиш мўлжалланмоқда. Демак, «Амин инвест интернейшнл»да ислохот корхона истиқболли мустаҳкамлашга, инсон манфаатларини ва фаровонлиқни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Зоҳир ТўРАКУЛОВ, «Адолат» мухбири

Хуқуқ

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг

ҳуқуқий асослари

“Адолат” шарҳи

Мустақиллик туфайли нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) фаолиятининг ҳуқуқий асослари Конституция даражасидаги ҳужжат билан мустаҳкамланди. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 15, 30, 34-моддаларида ННТлари фаолиятига оид қоидалар белгиланган бўлса, XIII боб тўлалигича жамоат бирлашмаларига бағишланди.

Истиқлол даврида мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг фаолият юритиши учун мукамал норматив-ҳуқуқий база яратилди. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”, “Қасаба уюмлари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”, “Сиёсий партиялар тўғрисида”, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”, “Жамоат фондлари тўғрисида”, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Мустақиллик шароитида мамлакатимизда ННТлари сафи янада кенгайиб, улар жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаолият юритмоқдалар. Утган давр мобайнида жамоат ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси

Президенти ва Ҳукуматининг бир қатор қарорлари қабул қилинди.

Фуқаролик жамияти институтининг ривожланиб бориши учун яратилган шароитлар туфайли юртимизда ННТларининг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бинобарин, 2013 йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида 2012 йилнинг шу даврига нисбатан ННТларининг сони 8 фоизга, 1991 йилга нисбатан эса 72 бараварга ўсди. Бу эса, шак-шубҳасиз жамиятда фуқаролик жамияти институтлари ролининг кучайганлиги, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигининг юксалиб бораётганлигидан дарак беради.

Маълумки, ННТларини ривожлантириш, уларга турли соҳадаги ислохотларда фаол иштирок этиш учун кенг йўл очиб беришдаги дастлабки қадам — бу уларнинг фаолиятини ташкил этишдан бошлаш.

Шу сабабли ҳам ННТни тузишнинг ташаббускорлари, бундай ташкилотларни ташкил

этиш ва рўйхатдан ўтказишга оид қонун ҳужжатлари талабларини пухта ва чуқур билишлари талаб этилади.

“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, ННТ унинг муассислари (аъзолари) қарори асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилади. Бунда ННТнинг ташаббускорлари ёки муассислари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йиғилишини чақирадилар, унда устав қабул қилинади ҳамда раҳбар органлари тузилади.

Бироқ қонуннинг ушбу талабини барча ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ННТларни тузишда татбиқ этиб бўлмайди. Хусусан, айрим шаклдаги ННТлар (М: жамоат фонди) битта муассис томонидан ҳам ташкил этилиши мумкин. Бундай ҳолатда йиғилиш ўтказмасдан туриб, муассис қарорига биноан ННТ ташкил этилиши мумкин.

Ташкиллаш лозимки, қонунчиликда айрим ННТларни ташкил этиш учун зарур бўлган муассисларнинг (ташаббускорларнинг) энг кам сони назарда тутилади. Ушбу масала

да муассисларнинг (ташаббускорларнинг) зарурий миқдори ҳамда уларнинг мақоми (юрidik ёки жисмоний шахс) тузилаётган ННТнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб фарқланади. Масалан, “жамоат бирлашмаси” шаклида тузиладиган ННТлар учун “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонуннинг 8-моддасига асосан камида ўн нафар фу-

қаронинг ташаббуси талаб этилади.

ННТлар ҳар қандай шаклда тузилишидан қатъий назар, улар фаолиятини ташкил этишнинг асосий шартларидан бири бу — уларнинг таъсис ҳужжатларининг тасдиқланишидир. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, ННТнинг устави унинг муассислари (аъзолари) томонидан тасдиқланади.

Айтиш жоизки, муассислар (аъзолар) томонидан ННТ ташкил этилиб, унинг таъсис ҳужжатлари тасдиқлангандан ҳамда раҳбар органлари тузилгандан сўнг ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли адлия органига ҳужжат тақдим этишнинг қонунда белгиланган муддатини ўтказиб юбормаслик лозим. Чунончи, юқоридаги қонуннинг 22-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилиш ўтказилган кундан эътиборан икки ой ичида тақдим этилади.

ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарурий ҳужжатлар рўйхати “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги қонунларда ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 мартдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган жамоат бирлашмалари устави рўйхатга олиш тўғри-

сидаги аризаларни кўриб чиқиш Қоидаларида келтирилган.

Ташкиллаш лозимки, ННТларни рўйхатдан ўтказиш тартиби, бунинг учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати ва уларга қўйилган талаблар ҳамда бошқа фойдали тавсиялар Адлия вазирлигининг www.minjust.uz веб-сайтида ташкил этилган “Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти” деб номланган рубрикада доимий равишда эълон қилиб келинади.

Бироқ шунга қарамай, бугунги кунда кўпгина ННТлар томонидан давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар лозим даражада расмийлаштирилмайдилар. Амалиётни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, тақдим этилган ҳужжатлар ичида энг кўп хато ва камчиликлар ННТнинг уставида мавжуд бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ННТ таъсис ҳужжатларининг талаблари нафақат ННТнинг ўзи учун, балки унинг муассислари ва қатнашчилари (аъзолари) учун ҳам мажбурийдир. Шундай экан, таъсис ҳужжатларини тайёрлашга ўта масъулият билан ёндашиш, уларга киритилаётган ҳар бир қоида пухта ўйлаб кўриш ва уларни келажакда амалга ошира олиш имконияти жиҳатидан синчиклаб ўрганиш ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан текшириб кўриш талаб этилади.

Ж.ШИРИНОВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлигининг ўринбосари

Энди бўш иш ўринлари ҳақида узоқ масофадан туриб маълумотга эга бўлиш мумкин. Бўш иш ўринлари бўйича яратилган маълумотлар базаси ягона маълумот тизими (ЯМТ) деб юритилади. Мазкур интерактив тизим Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликдаги “Бандликни таъминлашда ижтимоий ҳамкорлик” лойиҳаси доирасида www.mehnat.uz, www.labor.uz сайтларида жойлаштирилган.

Иш керакми? Интернетдан маълумот олинг!

Яқинда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мазкур ташкилотлар ташаббуси билан «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандлигини таъминлаш соҳасида янги маълумот-компьютер технологияларининг ўрни» мавзусига бағишланган маълумот олиш ҳамда уларнинг фаолиятига оид фикр-мулоҳазалар билдириш имконияти мавжуд.

Шунингдек, ЯМТ орқали 193 та туман, шаҳар бандликка кўмаклашиш ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва таъминлаш марказларининг фаолиятларини мониторинг қилиш, реал вақтда жавоблар ва статистик маълумотлар олиш мумкин. Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлимлари ҳодимларининг 500 нафардан ортиги турли амалий ўқув машғулоти, семинар-тренингларда ўқитилди.

Матбуот анжумани якунида тадбир ташкилотчилари оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб беришди.

Саодат СОДИҚОВА,
«Adolat» мухбири

Сўранг, жавоб берамиз!

Менга мол-мулкни бошқариш тўғрисида берилган ишончнома укамнинг номига расмийлаштириш мумкинми?
Сердор Хасанов,
Тошкент вилояти

Қоида бўйича ишончнома берилган шахс ўз ваколатидаги ҳаракатларни шахсан амалга ошириши шарт. Башарти, унга ишончнома билан ваколат берилган бўлса, ёки уни ишончнома берган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилишга шароит мажбур қилса, у ҳаракатларни амалга ошириши бошқа шахсга ўтказиши мумкин. Бунда бошқа шахсга ўтказиш бўйича берилган ишончноманинг амал қилиш муддати унинг берилишига асос бўлган асосий ишончноманинг амал қилиш муддатидан ошиб кетиши мумкин эмас. Ваколатларини бошқага берган шахс ишончнома берган шахсга бунга маълум қилиши ҳамда мазкур шахс ва унинг яшаш жойи тўғрисидаги зарур маълумотларни хабар қилиши керак. Мазкур бурчлар бажарилмаса, ўз ваколатларини бошқага берган шахс ундан ваколат олган шахснинг ҳаракатлари учун ҳудди ўзининг ҳаракатлари каби жавобгар бўлади.

Саволга Тошкент вилояти адлия бошқармасининг масъул ходими **Умиджон РАСУЛОВ** жавоб берди.

Айтинг-чи, ишончнома қанча муддатга берилиши мумкин?
Адилов Азиз,
Тошкент вилояти

Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Шунинг ташкиллаш лозимки, берилган кун кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Саволга Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходимлари **Нодир УСМАНОВ** ва **Фирдавс САҒАДОВ** жавоб беришди.

Айтинг-чи, ишончнома қайси асосларга кўра, бекор қилиниши мумкин?
Ойбек Каюмов,
Тошкент вилояти

Муддат туташ, ишончнома берувчи томонидан бекор қилиниши, ваколат олган шахснинг вақилиқдан бош тортиши, номидан ишончнома берилган юридик шахснинг бекор бўлиши, номига ишончнома берган юридик шахснинг бекор бўлиши, ишончнома берувчи шахснинг ўлими, муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган, деб топилиши билан бекор қилинади.

Шунингдек, ишончнома берувчи хоҳлаган пайтида уни бекор қилади ва ишончнома олувчи ҳам ундан бош торта олади. Ишончнома берган шахс унинг бекор бўлганлиги ҳақида ишончнома олган шахснинг хабардор қилиниши шарт. Акс ҳолатда ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши мумкин.

Саволга Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходими **Дюлбар АБДУРАҚОВА** жавоб берди.



Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

Ҳаммамизнинг ишимиз

Ҳаёт қанчалик гўзал бўлмасин, унда баъзан инсонларнинг бефарқлиги ва лоқайдлиги оқибатида хунук ҳолатлар юз бериши ачинарлидир.

Тошкентлик Халима опа маҳалалардан бирида истиқомат қилади. Турмуш ўртоғи 3 йил аввал автохалокат сабабли ҳаётдан бевақт кўз юмган, оила, рўзгор ташвиши аёлини бироз гангитиб қўйди. У “Болаларим ҳеч кимдан ҳам бўлмай катта бўлиши керак”, дея кечани кеча, кундузни кундуз деммай, тинмай ҳаракат қиларди. Бахтига катта қизи Мастура уй ишларида ёрдамчи бўлиб қолганди. Онаси ишдан чарчаб келганида ош-овқати тайёр, уйлари саранжом эди.

Нимадир бўлди, уйдаги газ мосламаси яхши ишламай қолди. Мастура ўқишдан қайтишига мўлжаллаб, уста чақираман, деган ҳаёлда ишга кетган Халима опа ишхонасидаги вазифаларига шўнғиб кетдию, барча режалари ёдидан кўтарилди. Хаммаси ён қўшниси Нозимахоннинг ташвишли кўнжирогидан сўнг ёдига тушди. Қўшниси “Ошхона тарафингизда ёнғин бўлапти, ўт учирувчиларни чақирдик, тез етиб келинг”, деганида, опанинг бутун бадани титраб кетди. Уйига қандай етиб борганини билмай ҳам қолган Халима опа йўл бўйи Яратгандан болаларининг умрини сўраб борди.

Хайрият фарзандлар омон экан. Ўқидан келиб, онаси ва укаларига таом тайёрлаш мақсадида ошхонага кириб, хонада тўпналиб қолган газнинг хидини сезмасдан чироқни ёққан Мастура газ мосламасидан анча узоқда эди. Ши-

фокорлар қизда 1-даражали куйиш ҳолатини аниқлади, бунинг асоратларини бартараф қилиш мумкинлигини айтишганида, Халима опа бироз энгил нафас олди... Бугунги кунда электр ва газ мосламасининг носозлигига бевътибор бўлиш ёки улардан нотўғри фойдаланиш оқибатида содир бўлаётган ёнғинлар, афсуски, кам эмас. Жорий йилнинг ўн ойи мобайнида шаҳарда 1295 та ёнғин ҳодисаси содир бўлди, улардан 553 таси носоз электр иситиш мосламасидан, 151 таси талабга жавоб бермайдиган газ мосламасидан фойдаланиш оқибатида содир чикди. Оқибатда 20 нафар инсон оламдан кўз юмиб, 29 нафари турли даражадаги тан жароҳатларини олишди.

Албатта, маҳалла, идора ва ташкилотларда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқотлар натижасида бу йилги кўрсаткич ўтган 2012 йилдагидан камайган.

Истагимиз, инсонлар гафлатда қолмай, ўзи ва ён-атрофдагиларнинг саломатлиги, умрига завоқ бўлишмасин. Хонадонидан чиқиб кетаётган ҳар бир фуқаро электр ва газ ускуналарини ўчиришни, унинг техник ҳолатига эътибор беришни унутмасин.

Дониёр УРМАНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ катта муҳандиси,
майор

Жаҳолат чангалида

Адолат тарозиси

Ичкилик ичиш ва унга муккасидан кетишнинг оқибати ҳаммага маълум. Ароқ бежизга барча ёмонликларнинг боши дея эътироф этилмайди. Дарҳақиқат, ароқ ичишни ўзига раво кўрган одам бошқа барча ёмонликларни ҳам тап тортмай қилаверади. Бу ҳақиқатни қуйидаги воқеа мисолида ҳам кўриш мумкин...

Ёлғиз ўғил Мурод улғайган сари ота-онадан кўра кўчадаги ўртоқларига меҳрибон бўлиб ўсди, улфатчилик базмларини қанда қилмайдиган бўлди. Мактабни битирган, ота-она хоҳлаганидек институтда тахсил олишни истамади, дўстларига қўшилиб, уяли алоқа аппаратини сотиб олиш ва сотиш билан шуғулланиб юрди, кейин бу ишнинг ҳам ташлаб қўйди. Кўчадан бери келмай, сандирақлаб юрадиган одат чиқарди.

Ижарага “Матиз” автомобилни олиб, тирикчилик қилиб юрган Баҳодир ака ўғлининг банд қилиш мақсадида машина калитини унинг қўлига тутқазди: “Ўғлим, кечкурунлари машина бошқаришга кўзим

ўтмай қолди, сен ҳали ёшсан, мен кундузи, сен кечкурун ишласан, ижара пулини тўлашга ҳам, орттириб жамғаришга ҳам етади”.

Ҳақиқатан ҳам, бир кўлдан икки қўл яхши экан. Ота-бола бирга ишлагач, рўзгорга анча барака эна бошлади. Ойназор эса ўғлининг бошини икки қилиш учун тезроқ келин қилишга интилар, яхши қизларни дараклай бошлаганди. Бирок ота-онанинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Мурод август ойларида Умида исми қиз билан танишиб қолди-ю, унинг тузоғидан чиқолмай қолди. Энди топгани иккисининг хурсандчилигига сарфланар, отасига кам пул тутқазарди. Баҳодир




Исматулла МАМАНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судьяси
Элмур МИРЗАЕВА



Pharmed

хусусий корхонаси жамоаси

ДИЁРИМИЗ АҲЛИНИ КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ ШОДИЁНАСИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!



**Юрдошларимизга сиҳат-саломатлик,
фаровонлик, қувонч, юрт тинчлиги ва
эл фаровонлиги йўлида амалга
ошираётган бунёдкорлик ишларида
муваффақиятлар тилаймиз!**



Қоровулбозор мўъжизаси

Давоми. Бошиқ 1-бетдан

Зеро, табиат Ўзбекистондан неъматларини аямаган. Заминимиз қаърида сон-саноксиз табиий бойликлар, жумладан, ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган энергия ресурслари — нефть, газ конденсати, табиий газ мавжуд.

Муздақлик йилларида куриб ишга туширилган ва мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб улуш қўшиб келаётган гигант ишлаб чиқариш корхоналаридан бири — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг бугунги салоҳияти ҳавас қилишга аризулик. «Сахро бағридаги мўъжиза» дея эътироф этиладиган мазкур корхонанинг барпо этилиши юртимиз Ўзбекистоннинг улкан имкониятларга эга мамлакат эканлигидан далolat бериши баробарида халқимизнинг яратувчанлик ғайрат-шижоатининг ёрқин бир намунаси ҳамдир.

Қизилқум саҳроси бағрида жойлашган маскан — Қоровулбозорда қад ростлаган ушбу улкан санoат мажмуаси нафақат республикамиз, балки жаҳон нефть ва газ санoатининг энг замонавий ва ноёб корхоналаридан бири ҳисобланади. Унинг асосий фаолияти нефть ва газ конденсатини қайта ишлашга йўналтирилган бўлиб, бир йилда 2,5 млн. тонна углеводород хомашёсини қайта ишлаш қувватига эгадир. Мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида салоҳиятга эга мазкур корхонада нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш эвазига автобензин, авиакеросин, дизель ёнилғиси, углеводород эриткичи, мазут, суолтирилган



ши билан воҳанинг энг чекка ва кенжа Қоровулбозор тумани қисқа вақт ичида таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу ерда кенг қўламдаги курилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бугун туман марказида қад ростлаган бири-биридан муҳташам таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш муассасалари, маданий хордик чиқариш ва дам олиш масканлари, савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохбчаларини қўрган кишининг кўзи қувнайди. Уларда кўрсатилаётган замонавий хизмат турларидан туман аҳолиси баҳраманд бўлаёттир. Корхонада меҳнат қилаётган минглаб ишчи ва мутахассисларнинг аксарияти яхлит лойиҳа асосида курилган нефтчилар шаҳарчасидаги кўркам, қатор қулайликларга эга уй-жойларда истикомат

ги, «Ўзбекистон Республикаси жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши нодавлат нотижорат ташкилотларига берилаётган эътиборнинг яққол намунаси-дир. Ўтган даврда ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш масалалари бошланғич касба уюшма кўмитасининг доимий диққат марказида бўлди, — дейди завод касба уюшма кўмитаси раиси Хошим Қосимов. — Ижтимоий шерикчилик тамойили асосида касба уюшма кўмитаси ва раҳбарият ўртасида тузилган Жамоа шартномаси имкониятлардан кенг фойдаланиб, меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, улар учун хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш масалалари

тути каби бир қатор олий ўқув юртлири билан самарали ҳамкорлик қилиниб келинмоқда. Чунончи, жорий йилнинг дастлабки ярмида 156 нафар талаба ишлаб чиқариш ва битирув амалиётини бевосита заводда ўтказди. Бу эса ёш мутахассис кадрларни танлаш имконини бермоқда. Бундан ташқари, Бухоро нефть ва газ санoати ҳамда Қоровулбозор санoат ва транспорт касб-ҳунаро коллежларининг 231 нафар ўқувчиси ҳам ишлаб чиқариш ҳамда битирувди амалиётини шу корхонада ўтказди. Уларга мазкур завод ҳисобидан 7,3 миллион сўм миқдоридан ойлик иш ҳақи, бепул иссиқ овқат ва махсус кийим-бош ажратилди.

Корхонада ёрдამчи тармоқларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Завод касаначилик марказида меҳнат қилаётганлар сони 654 нафарни ташкил этмоқда. Вилoятнинг аҳоли зич яшayтган Шофиркон ва Ғиждувон туманларида ҳам бу марказнинг филиаллари фаолият юритаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Завод бошланғич касба уюшма кўмитаси таркибида ҳозирги пайтда 33 та цех касба кўмиталари ва 12 та касба уюшма гуруҳлари мавжуд. Уюшма аъзолари сони эса 3 минг 397 нафарни ташкил этади. Касба уюшма кўмитаси ўз иш режаси асосида ходимлар ҳуқуқи ва манфаатлари ҳимоясининг ҳуқуқий негизини, ижтимоий шерикчиликни шакллантириш, меҳнат мўъжизаси, ишчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, дам олишларини ташкил этиш, ойлик

— ишчи-ходимларнинг иш ҳақи ва даромадларини оширишга кўмаклашишди. Ўтаётган йил давомида ойлик иш ҳақлари миқдори 1,33 баробарга ортиб, энг кам иш ҳақи 179 минг 151 сўмни ва ўртача иш ҳақи

дам олиш кунларини марокли ташкил этишга 43 миллион сўм, завод тасарруфидаги ахборот-ресурс марказини янги адабиётлар билан бойитишга 156 миллион сўм маблағ сарфланган.

Шунингдек, завод касба уюшма кўмитасига ишчи-ходимлар ва бошқа фуқаролардан келиб тушган мурожаатларни ижобий ҳал этиш мақсадида ҳам зарур маблағлар ажратилган. Бундан ташқари, муҳим сана ва байрамлар муносабати ҳамда кўмитанинг иш режасига асосан спортнинг ўндан ортиқ турлари бўйича мусобақалар, кўрик-танловлари ўтказилиб, ходимларни соғломлаштириш, марокли дам олишларни ташкиллаштириш ҳамда голибларни муносиб тақдирлашга ҳам эътибор қаратилган.

Бу каби саяё-ҳаракатлар жорий йилда ҳам режа асосида олиб борилмоқда. Йилнинг ўтган даври мобайнида аҳоли фаровонлигини, уларнинг реал даромадини ошириш, бандликни таъминлаш, аҳолини биринчи навбатда, ижтимоий

бепул йўлланмалар берилган. Корхона ишчи-ходимларининг фарзандларини соғломлаштириш мақсадида «Нефтичи» оромгоҳида катта ҳажмдаги тайёргарлик ишлари олиб борилди. Мавсум давомида бу ерда корхона ишчиларининг 1000 нафар фарзанди дам олди. 60 нафар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун оромгоҳга завод ҳисобидан бепул йўлланмалар берилди. Касба уюшмаси ташаббуси билан бу ерда инглиз тили курслари очилган ва турли кўнгилочар тадбирлар ўтказилган.

Истиқлол йилларида қад ростлаган нефтчилар шаҳарчасида бўлган киши бу ерда улкан ўзгаришларга гувоҳ бўлди. Бу ерда 700 та замонавий турар-жой — коттежлар қурилиб, ишчи-ходимларга фойдаланишга топширилган. Бундан ташқари, 240 ўринли «Ешлар меҳмонхонаси», «Ешлар маркази», умумий майдони 12 гектардан иборат сунъий кўл, соғломлаштириш мажмуи, концерт зали, кутубхона, 720 ўринли маданият саройи, усти



газ, олтингурут каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилапти. Кейинги йилларда улар турини янада кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ва халқаро стандартларга мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурлари бўйича бир қатор модернизациялаш ишлари амалга оширилди. Хусусан, юқори октанли «Аи-91», «Аи-93», «Аи-95» русумли автобензинлар ёнилғисини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2006-2008 йилларда дизель ёнилғисини экологик жиҳатдан сифат кўрсаткичларини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида 2008 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб жаҳон стандартларига мос ва совуқ ҳароратларга чидамли ёнилғиларни тайёрлаш технологиялари ўзлаштирилди. 2007-2009 йилларда «Боинг» ва «Аэробус» русумли ҳаво лайнерларига мўлжалланган «Джет А-1» русумли авиация ёнилғисини ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани завод тарихидаги катта воқеалардан бирига айланган. Цехларнинг технологик инфраструктураси модернизация қилинди ва резервуарлар янги авиация ёнилғисини сақлашга мослаштирилди. Корхона марказий лабораториясида авиация ёнилғисини ASIM (АҚШ) стандартлари услубида синовдан ўтказиш учун алоҳида замонавий лаборатория жиҳозланди.

Заводда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда замонавий талабларга мувофиқлаштириш мақсадларида яхшиланган экологик кўрсаткичли, шу жумладан, цетан сони, филтёрлаш коэффициенти, олтингурут миқдори ва йод сони бўйича, дизель ёнилғисини технологиясини ишлаб чиқариш бўйича мутасил изланиш ишлари олиб борилмоқда.

Заводнинг фаолият бошла-

қилишади. Табиий газ, тоза ичимлик суви, замонавий алоқа, ахборот ва телекоммуникация ҳамда бошқа бир қатор инфратузилма объектларининг ишга туширилиши аҳолининг турмуш даражасини сезиларли даражада юксалтирди. Завод қошида ташкил этилган ёрдამчи хўжалик, кичик корхоналар ва ишлаб чиқариш цехлари ҳам тумандаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда, энг асосийси, аҳоли ўртасида ишсизликни камайтиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Машаққатли касб эгалари — нефтчиларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириб бориш, хусусан, уларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнат шaroитларини яхшилаш, дам олишини ташкил этиш, саломатлигини тиклаш, қўнуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалар завод бошланғич касба уюшма кўмитаси ва унинг кўйи бўғинлари зиммасига юклатилган масъулиятли вазифадир. — Мамлакатимизда «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида»-

рига алоҳида эътибор берилмоқда. Жамоа шартномасини тузиш ва унинг ижросини таъминлашда ижобий ўсишга эришилди.

Корхонада айна пайтда 3466 нафар киши меҳнат қил-



моқда. Эътиборлиси, заводда ишловчи ходимларнинг 1194 нафарини ёки 34 фоизини 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Корхонада ёш мутахассис кадрларни тайёрлаш борасида Бухоро муҳандислик технология институти, Тошкент давлат техника инсти-

ташқари, Бухоро нефть ва газ санoати ҳамда Қоровулбозор санoат ва транспорт касб-ҳунаро коллежларининг 231 нафар ўқувчиси ҳам ишлаб чиқариш ҳамда битирувди амалиётини шу корхонада ўтказди. Уларга мазкур завод ҳисобидан 7,3 миллион сўм миқдоридан ойлик иш ҳақи, бепул иссиқ овқат ва махсус кийим-бош ажратилди.

Корхонада ёрдამчи тармоқларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Завод касаначилик марказида меҳнат қилаётганлар сони 654 нафарни ташкил этмоқда. Вилoятнинг аҳоли зич яшayтган Шофиркон ва Ғиждувон туманларида ҳам бу марказнинг филиаллари фаолият юритаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Завод бошланғич касба уюшма кўмитаси таркибида ҳозирги пайтда 33 та цех касба кўмиталари ва 12 та касба уюшма гуруҳлари мавжуд. Уюшма аъзолари сони эса 3 минг 397 нафарни ташкил этади. Касба уюшма кўмитаси ўз иш режаси асосида ходимлар ҳуқуқи ва манфаатлари ҳимоясининг ҳуқуқий негизини, ижтимоий шерикчиликни шакллантириш, меҳнат мўъжизаси, ишчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, дам олишларини ташкил этиш, ойлик

ушбу 164 миллион 392 минг 800 сўм, «Нефтичи» болалар оромгоҳида минг нафардан ортиқ болажонларнинг дам олишини ташкил этиш мақсадида 306 миллион 846 минг сўм, меҳнатни муҳофаза қилиш ишларига 238 миллион 755 минг сўм, ишчиларнинг

эса 1 миллион 223 минг 400 сўмни ташкил қилди.

Жамоа шартномасига мувофиқ, кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш борасида қатор ишлар бажаририлган. Жумладан, завод ота-лигида бўлган 2 нафар ногирон, 5 нафар ишлаб чиқаришда боқувчисини йўқотган оила, 115 нафар пенсионерлар ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Ходимларни соғломлаштириш

муҳофазага муҳтож қатлами ва кам таъминланган оилаларга манзилли ижтимоий ёрдამ кўрсатиш ҳамда ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш юзасидан корхонада касаначилик асосида 10 та иш ўрни яратилди. 170 нафар кам таъминланган оилаларга моддий ёрдამ кўрсатилди. Шунингдек, 30 нафар ёш оилаларнинг ҳар бирига уй-рўзғор ва маиший техника буюмлари сотиб олиш учун 35 миллион сўмдан фoизсиз кредитлар ажратилди.

ёпиқ чўмилиш ҳавзаси, спорт-соғломлаштириш мажмуаси ҳизматидан қоровулбозорликлар фойдаланиб келишмоқда. Завод касба уюшмасининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари ҳам яхши йўлга қўйилган. Жумладан, нефтчилар истиқомат қилаётган ал-Бухорий номли маҳалла фуқаролар йиғини билан биргаликда «Энг саранжом хонадон», «Энг намунали оила» каби тадбирлар ўтказилиб, уларнинг голиблари кўмита томонидан тақдирланган.

Завод касба уюшма кўмитасининг режалари ҳам улкан. Улардан кўзланган асосий мақсад эса ишчи-ходимларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза этиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришишдан иборат. Муҳтасар қилиб айтганда, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи Қоровулбозорнинг том маънодаги мўъжизасидир. Қумликлар бағрида қисқа муддатларда барпо этилган мўъжизага шаҳарча, ҳақиқатан ҳам, йилдан-йилга эртақлардаги каби сехрли диёрга айланиб бормоқда.

Ҳамро ОҚИЛ,
«Adolat» муҳбири



ёш болали оналарга тегишли тартибда имтиёзлар, кам таъминланган оилаларнинг 60 нафар фарзандларига эса соғломлаштириш оромгоҳларига

ADOLAT
ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Тахрир ҳайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Сегина ОРТИҚОВА, Мамазор ХУҶАМБЕРДИЕВ, Қошир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпулат МАТИБАЕВ, Алишер МУШИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, маънавият, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибят — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — Қ.Қўлдошев. **Навбатчи —** Ғ.Ҳидиров.

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Тахририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgz.uz
adolat_gazeta@mail.ru

НАШР КўРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2013-5217

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК басмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Ғ—1200. Ҳажми — 4 босма табоқ. Обсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 6909. Босишга топшириш вақти — 23.05. Босишга топширилди — 00.15.

1 2 3 5